

ЯНГИ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИЛМ-ФАН

ЮТУҚЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ

АГРАР ТАРМОҚДА САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 март куни қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид тақдимот билан танишди.

Юртимиз агросаноати самарадорлик ва бозор муносабатлари жиҳатидан ислоҳ қилинмоқда. Соҳага илгор агротехнологиялар, илм-фан ютуқлари кенг жорий этилмоқда.

Бир гуруҳ мутахассислар яқинда Хитой, Италия, Японияга бориб, илмий институтлар, йирик компания ва хўжаликлар тажрибасини ўрганди. Шу асосида янги ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилди.

Маълумки, юқори ҳосилдорликнинг биринчи омили бу уруғчилик. Хитой қишлоқ хўжалиги фанлари академияси экинлар уруғи ва қўчатчилигида катта тажрибага эга. Юртимизда эса қишлоқ хўжалиги бўйича 14 та илмий институт, 55 та уруғчилик хўжалиги бўлишига қарамай, янги нав ва агротехнология масаласида оқсоқлик бор. Деҳқонлар маҳаллий уруғдан манфаат кўрмагани учун чет элникини экяпти.

Шу боис, Юқори Чирчиқ туманидаги Агрохизматлар марказида Хитой тажрибаси асосида уруғчилик ва қўчатчи-

лики йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 200 миллион доллар сармоя киритилиб, пахта, бугдой, шולי, макка, узум ва мева навлари кўпайтирилади. Уруғ олишдан бошлаб, уни замонавий техника ва дронлар ёрдамида экиш, дорилаш, йиғиш ва қайта ишлаш бўйича намунавий ҳудуд ташкил қилинади.

Соҳа учун яна бир долзарб масала — малакали кадрлар. Бу борада Италияда яхши таълим тизими бор. Биргина Болонья университети Европани малакали мутахассислар билан таъминлашда катта ўрин тутди. Илмий институтлар хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиб, бунортма асосида сифатли навларни яратиб, тижоратлаштиряпти.

Ушбу тажрибаларни ўрганиш мақсадида Италиядаги Болонья, Тушиа, Феррара, Пиза олийгоҳларига бу йил 200 нафар ёшларни юбориш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Тушиа университети йилига 30 нафар озиқ-овқат технологияни грант асосида ўқитиш, юртимизда кадрлар

тайёрлашни йўлга қўйиш таклифини билдирган.

Дунё тажрибасини ўрганишда ўқиб, ишлаш дастурлари ҳам қўл келади. Масалан, Тошкент аграр университетининг Самарқанд филиали, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ўтган йили бир гуруҳ талабаларни Германия ва Англияга юборган. Тошкент давлат аграр ҳамда Халқаро қишлоқ хўжалиги университетлари, Фаргона озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро университетида талабаларни Японияга юбориш учун япон тили марказлари ташкил этилмоқда.

Тақдимотда режалар қўллаб-қувватлашиб, бундай ҳамкорлиқни Венгрия, Нидерландия, Канада, Австралия, Жанубий Корея каби агросаноат ривожланган давлатлар билан ҳам кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳудудларда инновацион лойиҳаларни кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

ЎЗА

Ислохотлар самараси

Янги тараққиёт босқичида аёл-қизлар улуғланиб, уларнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлаш, ғоя ва мақсадлари амалга ошиши, жамиятда чинакам бахтли яшаш учун муносиб шароит яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу йўналишда ҳозирга қадар юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги фикримиз тасдиғидир.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида хотин-қизларнинг давлат бошқаруви-

даги иштироки кучайгани жамиятимиз ривожига ижобий таъсир кўрсата бошлаганини, муҳтарам аёлларимиз, азму шижоатли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш бундан буён ҳам изчил давом эттирилиши, бу бугунги сиёсатнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Давоми 3-бетда

Шукух

Кўклам туҳфаси — юксак эътибор

янгича ижодкорликка ундайди

Ҳар гал баҳор нафасидан қалбан ижодга ошуфталикни, санъатнинг сеҳрини чуқур ҳис қиламан. Бу галги кўклам эса ўзим кутмаган катта туҳфа билан ҳаётимга кириб келди. Фикру ҳаёлим концерт дастурини муваффақиятли ўтказиб олишда эди. Тўғриси, шундай вақтда юксак мукофот билан тақдирланишим ҳақида ўйламаган эдим.

Шунинг учунми, давлатимиз раҳбарининг бундай эътиборидан қаттиқ ҳаяжонландим. Концертдан олдин бу хушхабарни саҳнада эшитдим ва овозимда кучли титроқ турди. Аслида, шу ёшда концерт бериш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Муҳлислар концерт сўнгига қадар олқишлаб туриши ҳам санъат аҳли учун жуда катта бахт. Шулар сабаб шукрона ҳисси, севинч кўз ёши ич-ичимдан тошиб келаётган эди. Кутилмаган хушхабар уларни юзага чиқариб юбор-

ди. Тўғри, кўплаб мукофотларга, эътирофларга сазовор бўлганман. Лекин уларнинг барчаси бир тараф, кўп сонли халқ орасида “Буюк хизматлари учун” орденига эришиш бир тараф бўлди. Бу мен учун яна бир синов, яна бир доvon. Яъни билдирилган ишончни оқлаш масъулияти. Яратган умр берса, бунга муносиб жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Давоми 2-бетда

Кун мавзуси



УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШДА ЕНГИЛЛИК

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ УЧУН СУБСИДИЯ

БЕРИШГА АРИЗЛАР ҚАБУЛИ БОШЛАНДИ

Шу йилнинг 3 март санасидан юртимизда ипотека кредитлари учун субсидия олишга аризалар қабули бошланди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотига кўра, жорий йил 30 минг фуқарога субсидия ажратиш белгиланган ва бу рақам ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўп.

Бир танишим ҳар йили субсидия олишга ариза топширади, аммо ҳали ололганича йўқ. Бошқа бир танишимнинг эса ўтган йили омади келди. Очиги, субсидия ҳақида гап кетганда, қийналган, уй-жой олишга имконияти кам оилаларга давлат томонидан бериладиган ёрдам, деган тушунчам бор. Аммо мен каби кўпчилик субсидиянинг қай тартибда олиниши ва тўланиши, қимларга берилиши, кредитдан фарқи ва бошқа жиҳатлари ҳақида кўп ҳам билмайди.

Юртимизда 2020 йилдан бошланган бу амалиёт қисқа вақтда сезиларли оммалашди. Субсидия олишга талабгорлар сони ҳам йил сайин ортиб борапти. Ариза топширганларнинг айтишича, субсидия ипотека кредити олишда давлат томонидан қайтармаслик шарти билан бериладиган муайян миқдордаги тўлов пули. Аммо у банк кредитларидан фарқ қилади.

Давоми 4-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Зулфия номидаги давлат мукофоти

билан тақдирлаш тўғрисида

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтисодри, муҳим ғоя ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, Ватанимиз раванқи йўлида бор куч-гайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида

ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ғ.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 3 мартдаги ПК — 86-сон қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар

РЎЙХАТИ

Туремуратова Бийбиназ Кенесбай қизи — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали компьютер инжиниринг мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Қорақалпоғистон Республикаси)

Ибрагимова Шаҳзода Алишер қизи — Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича Нукус олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Сотволдиева Мохинур Хазратулло қизи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг адабиёт назарияси ихтисослиги бўйича таянч докторанти (Анджон вилояти)

Усмонова Диллода Эгамберди қизи — Анджон давлат педагогика институтининг жисмоний маданият факультети 2-босқич талабаси

Рухиллаева Нилуфар Шукрулло қизи — Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филология факультети 3-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Бахронова Дилшода Тохировна — Бухоро давлат тиббиёт институтининг тиббиёт факультети 6-босқич талабаси

Ортиқова Эъзоза Нодир қизи — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро иқтисодиёт ва менежмент мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Жиззах вилояти)

Абдуразоқова Меҳрибон Жалолиддин қизи — Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси

Шералиева Жасмина Эркин қизи — Гулистон давлат университетининг санъатшунослик факультети 1-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Маҳаммадризоева Мадинабону Маҳаммадриза қизи — Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг қишлоқ хўжалиги факультети 3-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Йўлдошева Уммоти Тўлқиновна — “Янги Ўзбекистон” университетининг саноат бошқаруви мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Навоий вилояти)

Абдуллаева Саида Равшан қизи — Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Олимжоннова Ақидаҳон Анваржон қизи — Наманган вилояти Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабининг 11-синф ўқувчиси

Тўйчиева Дилафруз Нуъмонжон қизи — Қўқон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети 3-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Анорова Гулҳаё Зокир қизи — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги “Ватанпарвар” маҳалла фуқаролар йиғини комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими

Хамдамова Афрўза Акбаровна — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Абдусаламова Занжилой Фарход қизи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети 3-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Ғаниева Мафтуна Абдуазиз қизи — Гулистон давлат университетининг таълим-тарбия назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича таянч докторанти (Сирдарё вилояти)

Абдусайдова Гулрухсорабегим Комиловна қизи — Тошкент давлат юридик университетининг жиноий одил судлов факультети 4-босқич талабаси (Сурхондарё вилояти)

Зарипова Рушана Робертовна — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича таянч докторанти (Сурхондарё вилояти)

Анварова Наима Анвар қизи — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Уралова Ойша Абдураим қизи — Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги “Yangiobod kelajak sari” оилавий корхонаси раҳбари

Абдурасулова Дилноза Ботирали қизи — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фаргона филиали дастурий инжиниринг кафедраси ассистенти

Сайназарова Лайлохон Одилжон қизи — Фаргона вилояти Куvasой шаҳар маданият бўлими тўғрақ раҳбари

Камалова Шаҳзода Кахрамон қизи — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Собирова Лайлохон Арслонбек қизи — Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университетининг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Хоразм вилояти)

Содиқова Насиба Мажитовна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг театр санъати факультети 3-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

Бабешко Алина Александровна — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси ўқитувчиси (Тошкент шаҳри)

Ғулумжон ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
“Буюк хизматлари учун”
ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Ўзбекистон халқ артисти” унвонларини олганимда “кўп санъаткорлар унвонга эришса бўлди, ижодни тўхтатиб қўяди” дегандай гаплар ўзимга ҳам айтилган, ОАВларда ҳам ёзилган. Ўшанда “Мен ижодимни энди қайрат бағишлайди. Шунинг учун бундай қўловни, ишончини сира суиистеъмол қилиб бўлмайди. Сидқидилдан элга хизмат қилаётган инсонларни эъозлашнинг амалдаги ифодаси бу. Шу маънода, умримнинг охирига қадар ўзбек санъатини кўтаришга, халқимиз номини улуғлашга хизмат қиламан.

Қарийб 30 йилдан буён концерт бериб келаятган бўлсам, зал тўлмай қолган, томошабинлар чиқиб кетган ҳолат бўлмаганига шукрона айтаман. Ижодий жамоамиз билан ҳар бир репертуаримизни имкон қадар янгилаб, бойитишга ҳаракат қилиб



келяпмиз. Бу сафар ҳам 20 га яқин янги кўшиқ ижро этилди. Бироқ муҳлислар “Дилором”ни айтмагунимча қўймади. Хурсанд бўлдим. Неча йил аввалги кўшиқларингиз бугун ҳам яшаса, томошабин сўраб турса, бундан ортиқ бахт борми? Ваҳоланки, бугун ҳар ким суйган ошини ичади. Биров бировни мажбурлайдиган замон эмас.

Давр ўзгаряпти, ҳаёт жадаллашди. Шунга қараб янги Ўзбекистон ҳам балинд марраларни олиб, дадил одимламоқда. Давлатимиз раҳбари бутун бир йил номини атроф-муҳитни ободонлаштириш, табиатни асрашга бағишлади. Насиб қилса, йил номи ҳақидаги қарор, дастур ижроси сабаб юртимиз янада гўзаллашади, кўчаларимиз яшилланади.

МУКОФОТНИ ОЛГАН КУНИМ КАТТА САҲНАДА
ТУРИБ ВАЪДА БЕРДИМ: САНЪАТСЕВАР ХАЛҚИМИЗГА
БЕТАҚОР КЎШИҚЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ ЙЎЛИДА
БУНДАН БУЁН ҲАМ ЎЗ КУЧ-ҒАЙРАТИМНИ
АЯМАЙМАН. НАСИБ ҚИЛСА, ВАТАН, МЕҲРУ
САДОҚАТ, ИНСОНИЙЛИК, ГЎЗАЛИКНИ ТАРАННУМ
ЭТАДИГАН ҚЎШИҚЛАР ЯРАТАМАН.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Мэр Жан-Поль Гарсия Робин:

“ШАҲРИМИЗДА БУЮК АСТРОНОМ
ОЛИМ ҲАЙКАЛИНИ ЎРНАТИШГА ИШОНЧ
БИЛДИРГАНИНГИЗДАН МАМНУНМАН”

Франциянинг Гретц–Арменвиль шаҳрида
Абу Райхон Беруний ҳайкали очилди

1 март куни Франциянинг Гретц-Арменвиль шаҳридаги “Ураноскоп” расадхонаси ҳудудига буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Боурди ва Ўзбекистон элчиси Нодир Ғаниев сўзга чиқди.

Улар ушбу ёдгорлиқнинг очилиши муҳим сана — Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 33 йиллигига тўғри келганини таъкидлади. Бу воқеалик, шунингдек, ўзбек ва француз халқлари ўртасидаги тарихий маданий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан далолат экани қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари Шарқ Уйғониш даврининг буюк намояндаси, жаҳон илм-

фани ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райхон Беруний ҳаёти билан танишди. Беруний астрономия, математика, фалсафа, география, этнография, антропология, геология, ботаника, фармакология каби фанларни чуқур ўргатгани ва улар ҳақида кўплаб китоблар ёзгани билдирилди.

Беруний Ерниинг айланиши ҳақидаги илк назарияларни илгари сурган ва унинг радиксусини тўғри аниқлаган.

Ҳозирги кунда Беруний қаламига мансуб айрим асарларнинг асл нусхалари Франция тиббиёт академиясида сақланмоқда.

Ўзбекистонда Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини ўрганиш ва кенг тартиб эйтишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Қайд этилганидек, буюк олимнинг илмий кашфиётларини ўрганиш ва оммалаштиришга қўшган ҳиссаси учун Абу Райхон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофоти таъсис этилиши мамлакатимиз раҳбариятининг ёрқин ташаббусларидан бири бўлди.

Ўзбекистонда Абу Райхон Берунийга бағишланган турли илмий форумлар, конференциялар ва кўргазмалар ўтказиш бўйича ташаббуслар ҳам фаол илгари сурилмоқда. Жумладан, 2023 йилнинг 4-6 сентябрь кунлари ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида олим таваллудининг 1050 йиллигига бағишланган йирик кўргазма ташкил этилди.

Кристиан БОУРДИ,
“Ураноскоп” расадхонаси президенти:

— 1 март санаси Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган кун сифатида тарихда муҳрланган. Ушбу сана Ўзбекистон — Франция дўстлигини мустаҳкамлайди. Французлар ўзбек халқига, унинг бой тарихига, бетақор маданиятига ҳурмат билан ёндашади. Тарихий Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари француз сайёҳларини ўзинга фаол жалб этмоқда. Юртингизга бораётган француз сайёҳлари сони ҳам йилдан йилга ошиб бораётир.

Французлар тарих, қадимий мерос ва маданиятга жуда қизикади. Шунинг учун улар Ўзбекистонга бориш

ва ажойиб мамлакатингизни кашф этишдан доимо хурсанд бўлади. Гретц-Арменвиль шаҳрида Абу Райхон Беруний ҳайкали ўрнатилиши ана шу бой маданиятнинг асрлар оша таъсиридан далолат, чунки гап бундан минг йил аввал яшаб ўтган олим ҳақида кетмоқда. Ушбу ёдгорлик ҳақиқатан икки томонлама муносабатларимиз тарихига, шунингдек, Абу Райхон Берунийнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасига кўрсатилган ҳурмат белгисидир.

“Дунё” АА
Гретц-Арменвиль шаҳри

ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Қадриятларинг
боқий бўлсин, Наврўз!
Шукроналик, руҳий покланиш
ва эзгу ниятлар фасли

Баҳор. Борлиқдан уйғониш нафасини илғаш қийин эмас. Кишининг изғирини ўз ўрнини баҳор насимига, абру найсоғига бўшатмоқда. Ҳа, баҳор — Наврўзнинг дебочаси. Табиат уйғонишига инсон қалбининг янгилиниш даври. Олам ва одам уйғунлигининг энг юксак ифодаси.



Наврўз байрамининг шаклланиши милоддан аввалги Х асрларга бориб тақалади. Бу маълумот ёзма манбаларда қайд этилмаган бўлса-да, халқ оғзаси ижодида сақланиб қолган. Наврўз — йил боши, шарқона янги йил. Фақат фасл алмашинуви эмас, балки шукроналик, руҳий покланиш ва эзгу ниятлар даври. Шу боис, биз уни соғинамиз. Алоҳида тарадуд билан қарши оламиз.

Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти катта илмий ходими Камолiddин Эргашевнинг айтишича, ҳар йили 19-21 март оралиғида Ер шарни ўз орбитасининг баҳорги тенг кунлик нуқтаси деб аталадиган қисмдан ўтади. Айнан мана шу қисмга етиб келганда кун билан тўнунинг тенглишини юз беради. Бу йил Ер шарининг баҳорги тенг кунлик нуқтасидан ўтиши 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси — Тошкент вақти билан 22:30 лар атрофида юз беради.

Бу йилги Наврўз айёмини янги Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва нуфузига ҳар томонлама муносиб таразда нишонлаш мақсадида Президентимизнинг “2025 йилги Наврўз

умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, жорий йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланади.

Халқимизни яқиндан билмоқчи бўлган одам юртимизга Наврўз пайти келсин. Шунда тарихни, бугун ва келажакни мужассам ҳолатда кўради. Ҳақиқатан, кўпмиллатли халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, турфа урф-одатлари, бой маънавий мероси, келажакка ишончини ҳеч бир байрам Наврўзчалик акс эттира олмаса керак. Шу жиҳатдан у қадимий ва навқирон байрамдир.

— Наврўз ўзига хос хусусиятлари билан кўпмиллатли жамиятлар орасида тотувлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди Туркман миллий маданият маркази раиси Гўлдона Аведурдиева. — Президентимизнинг бу йилги Наврўзни нишонлашга доир қарорида юртимизда яшайтган турли миллат ва элат

вакиллариининг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш қилиш ҳам алоҳида қайд этилган. Ана шундай эзгу қорловга жавобан биз — турли миллат ва элат вакиллари байрам муносабати билан ўтказиладиган ободонлаштириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирлар, умумхалқ ҳашарларида фаол иштирок этамиз. Шунингдек, байрам тадбирларида миллий қадрият ва анъаналаримизга мос оммавий сайилларда иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрапмиз.

Айниқса, бу йилги Наврўз муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олсак, байрамнинг шукуҳно тароватини илғаш қийин эмас. Айни жиҳатлар қарорда ҳам ўз ифодасини топган. Унга мувофиқ, кекса авлод вакиллари, ижтимоий дафтарларга киритилган ҳамда кўмакка муҳтожлар ҳолидан хабар олинди, улар учун байрам дастурхонлари ёзилади.

Бу йил Наврўзни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида қарши оламиз. Бу ҳам байрам фалсафасига ҳамоҳанг. Шу боис, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирлар доирасида юртимизнинг барча ҳудудлари — кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўламзорлаштириш ишлари, умумхалқ ҳашарлари ўтказилади.

Қарорда белгиланганидек, байрам тадбирлари доирасида хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўча савдо дўконлари, миллий таомлар танловлари ташкил этилади.

Байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказилади. Баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналар ташкил қилинади. Зеро, қарорда манфаатдор вазирилик ва идораларда байрам тантаналарини кўтаринки ва юқори савияда ўтказиш, миллий қадрият ва анъаналаримизни кенг миқёсда тараннум этиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Инсон қадри учун

ТЎСИҚЛАРГА ЧЕК ҚЎЯДИ

РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА
АНА ШУНДАЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда меҳнат соҳасидаги қонунчилик тубдан такомиллашмоқда. Натижада аҳоли бандлиги даражаси яхшиланиб, даромади ортапти. Хусусан, Жаҳон банки билан ҳамкорликда бу йўналишда олиб борилган тадқиқотларга кўра, ўтган йили аҳолининг реал даромади 10,7 фоиз ўсиб, жон бошига ойига ўртача 2,1 миллион сўмдан тўғри келди.

Аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақи 42,6 фоизни ташкил этиб, 2023 йилдагидан 12,9 фоиз кўпайди. Оилаларнинг иқтисодий фаровонлиги яхшиланиб бораётгани камбағаллик даражасини қайтаришда ҳам яхши самара бермоқда. Хусусан, 2024 йил якуни бўйича камбағаллик даражаси 11 фоиздан 8,9 фоизга қамайди.

Қисқа муддатда бундай салмоқли натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Одамларнинг муаммоларини тинглаш, уларга ўз вақтида ечим топиш, ҳар бир инсон ўзи танлаган соҳада меҳнат қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун зарур шароит ва кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бу борадаги ютуқларга замин бўлмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида бу жабҳада янада кенг қамровли вазифалар белгиланган. Уларни ўз вақтида ва самарали ҳасилга таътиб эйтиш, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва янгича услуб ҳамда воситаларни амалиётга кенг жорий этишни таъқозо этади.

Шу йил 13 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун бу борада муҳим дастуриямал бўлди. Хужжатда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш билан боғлиқ қатор янгиликлар ўз аксини топди.

— “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шaroитлар яратиш борасида муҳим чора-тадбирлар белгиланган, — дейди Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Эркин Гадовев. — Ушбу мақсад ва режаларни рўёбга чиқариш учун ҳар бир йилга ўзинга хос номи бериб, шу асосда давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бу жабҳадаги ишларни янада ривожлантириш учун амалий ишлар билан бир қаторда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунда ана шундай кўплаб янги нормалар ўз ифодасини топди.

Меҳнат шартномаси электрон шаклда ҳам тузилиши имкончилиги шундай қулайликлардан бири. Меҳнат шартномаси ҳодим ва иш берувчи ўртасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятини белгиловчи келишув бўлиб, меҳнат муносабатларини тартибга солишда муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Эндилликда унинг электрон шаклда ҳам тузилиши меҳнат фаолияти тўғрисидаги ахборотдан қулай фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Электрон шаклдаги меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат мажмуида расмийлаштирилади. Шунингдек, ҳодим билан тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатиладиган реквизиентлар таркибидан солиқ тўловчининг идентификация рақамини кўрсатиш талаби чиқариб ташланди.

Сир эмас, охириги йилларда қабул қилинган қатор меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар қисқарган бўлса-да, Меҳнат кодексидан бу қонда акс этмагани учун айрим иш берувчилар ҳали-ҳамон уларни талаб қилмоқда. Бу эса ишга қираётган ҳодимларнинг ортиқча оворагарчилик ва харажатларига сабаб бўлаётган эди.

Эндилликда давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ишга қираётган шахс тақдим этиши керак бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан, ахборот тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сўраб олади. Ушбу норма ўриндошлик асосида ишга қабул қилишда ҳам таътиб этилади.

Халқимизда “Яхши дам — меҳнатга ҳамдам” деган пурмаъно хикमत бор. Дарҳақиқат, ишдан кейин мириқиб ҳордик чиқариш, аввало, инсон соғлигини асраш, қолаверса, меҳнат умумдорлигини оширишда яхши самара бериши замонавий тадқиқотларда исботини топган. Бу борада ҳодимларга ҳар йили бериладиган меҳнат таътили муҳим аҳамият касб этади. Ушбу давр мазмунли дам олиб, соғлиқни яхшилаш учун қулай фурсатдир.

Сўнгги йилларда қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар натижасида

ҳодимларнинг йиллик асосий таътили муддати давомийлиги кўпайтирилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Янги қонунга кўра, бундай имкониятлар янада кенгайтириляпти.

Жумладан, ҳар йилги меҳнат таътили вақти учун ҳақ тўлашда ҳамда меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳодимга барча фойдаланилмаган ҳар йилги асосий ва қўшимча меҳнат таътиллари учун пулли компенсация тўлашда яхшанба кўни инобатга олинмаслиги аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, оналик ва болалиқни муҳофазалаш борасида кенг қамровли ислохотлар кечмоқда. Хусусан, опа-сингилларимизнинг ўз салоҳиятини намоян этиши, турли соҳаларда муносиб меҳнат қилиши ва ижтимоий-сиёсий жараёнарда иштирокини кучайтириш доимий эътиборда.

Меҳнат муносабатларини тартибга солишда ҳуқуқий ҳужжатларда аёللанган меҳнат ҳуқуқларини таъминловчи, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қафолатловчи қатор нормалар киритилган. Жумладан, тенг қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўланишини таъминлаш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ҳомиладор аёлларни йиллик меҳнат таътилидан қачқириб олишга йўл қўйилмаслиги, болани парваришлаш таътилидан фойдаланаётган ҳодимга йиллик меҳнат таътили, унинг хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътилидан олдин ёхуд ундан кейин берилиши каби имкониятлар яратилган.

Бироқ бундай муҳим ислохотларга соя соладиган қатор муаммолар ҳам учраб туриши сир эмас. Ҳомиладор ёки ёш болали аёллар ишга киришда муайян тўсиқларга учраши билан боғлиқ ҳолатлар бунга мисол бўлади. Эндилликда ҳомилдорлиги ёки фарзандлари борлиги билан боғлиқ сабабга кўра ишга қабул қилиниш рад этиш, ишдан бўшатилиш ёки иш ҳақини қайтариш таъқиқлангани уларнинг ҳуқуқлари муҳофазасини янада қучайтиради.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонунда акс этган муҳим таъминловчи рўёбга чиқарилиши аҳолининг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини қучайтириш, ишга қабул қилишда ноконуний рад қилиш ҳолатларининг олдини олишга замин яратади. Ахборот технологияларини қўллаш ва рақамлаштириш орқали соҳада очкилик, шаффофлик таъминланиши эса бюрократик ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

АДОЛАТ ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДИР

“

Ҳар бир хотин-қизга эътибор ва ҳурмат кўрсатиш, фикр ва ғояларини амалга ошириши учун имкон бериш жамият тинч ва барқарор бўлишининг калитидир. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишидаги изчил ислохотлар оилалардаги маънавий, ахлоқий ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди, пировардида юртимиз тараққиётининг асосини ташкил этади.

Зулайхо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи ошмоқда

Дастур ва лойиҳалар доирасидаги изчил сайи-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиж, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, Ўзбекистон сўнгги йилларда гендер тенгликка эришиш йўлидаги ислохотлари билан энг катта муваффақиятга эришган беш мамлакат — Иордания, Малайзия, Сьерра-Леоне ва Того қаторидан ўрин олган.

Бу ҳаммаси эмас: “2022 йил октябрь ойидан буён Ўзбекистонда хотин-қизларнинг мавқеини оширишга қаратилган тўртта муҳим ҳуқуқий ислохот амалга оширилди”, дейилади Жаҳон банки ҳисоботида. Ўзбекистон рейтингда 11,9 пункт кўтарилиб, мамлакат “Аёллар, бизнес ва қонун 2024” индексида максимал 100 баллдан 82,5 балл тўплади.

Ўзбекистон Сингапур, Туркия ва Бирлашган Араб Амириятлари билан бир хил балл тўплади, шунингдек, Марказий Осиёда энг яхши натижа кўрсатди”, дейилади ҳисоботда.

Очиқ гендер маълумотлари индекси бутун дунё бўйлаб гендерга оид маълумотлар мавжудлиги ва очиклигини баҳолайди. Open Data Watch таҳлилининг сўнгги ҳисоботида Ўзбекистон 69,7 балл тўплаган ҳолда Очиқ гендер маълумотлари индексида жаҳондаги энг яхши 20 мамлакат орасидан жой олгани қайд этилган. Вахлоники, 2023 йилда Ўзбекистон 37 балл тўплаган ҳолда 56-ўринни эгаллаганди. Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг нуфузли хорижий ташкилотлар томонидан ҳолис баҳолалиши келгусида баланд марраларни забт этишга руҳлантиради.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва парламентда гендер тенглик

Бугун хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35, тадбиркорлик соҳасида 45, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етди. Бошқарув ҳодимлари орасида хотин-қизлар улушини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш талаби давлат корхоналарининг ижро органлари, жумладан, директорлар ва кузатув кенгашлари таркибини шакллантиришга ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари депутатларининг 32,6 фоизи аёллардан иборат.

Бу эса мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий майдонда хотин-қизларга ишонч юқори экани, бу борада яратилаётган имкониятлар самара бераётганининг ёрқин ифодасидир. Янги депутатлар орасида аёллар ва ёшлар улуши тарихий аҳамиятга эга бўлиб, халқ вакиллари: 57 нафарини аёллар ташкил этгани минтақа учун энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг гендер тенглик борасидаги ишлари ҳақиқий янгилиниши ва жаҳон миқёсида тан олинишининг тасдиғидир.



Миллий парламентлар бўйича халқаро рейтингда (IPU Parline) Ўзбекистон парламентдаги хотин-қизлар салмоғи бўйича жаҳондаги 193 давлат орасида 49-ўриндан 34-ўринга кўтарилгани давлатимизнинг демократия ва гендер тенглик соҳасидаги катта ютуқларидан далолат беради.

Янги Ўзбекистоннинг келажаги янада барқарор ва тенгликка асосланган бўлиши учун вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликларда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг бошқарувдаги иштирокини ошириш амалиёти давом этади.

Таълим билан қамров кўрсаткичлари

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим олиши ва касбий кўникмалар орттиришга ҳар томонлама қўмаклашиш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биринчидан, эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга умумий қўитанинг 4 фоизи миқдорига (2 мингта ўрин) грант ажратилиб, талабгорлар Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тасвиномаси билан давлат гранти асосида имтиёзли ўқишга қабул қилиниши йўлга қўйилган эди.

Шу асосда 2020-2024 йилларда эҳтиёжманд 8653 хотин-қиз олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Иккинчидан, 5 йиллик меҳнат стажига эга, лекин олий таълимотли бўлмаган 500 хотин-қизга қўмита томонидан тасвиномалар бериш тизими орқали хотин-қизларни олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби жорий этилди. Бу тизим асосида 2022-2024 йилларда 1256 хотин-қиз олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Учинчидан, 2021 йилдан бошлаб муҳтож ёлғиз аёллар ва боқувчисини йўқотган қизларнинг олий таълимдаги контракт тўловини қоплаб бериш тартиби йўлга қўйилди. 2021-2024 йилларда 6000 га яқин талаба хотин-қизнинг контракт тўлови маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан қопланди.

Тўртинчидан, давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўлови қоплаб берилиши тизими жорий қилиниши ҳисобига 2022-2024 йилларда 15 мингдан зиёд магистрант қизнинг контракт суммаси тўлаб берилди.

Бешинчидан, олий таълим муассасаси, техникум ва коллежларда кундузги таълимда ўқиётган хотин-қизлар контрактини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий этилди. Утган қисқа муддатда 181,5 мингдан зиёд талаба хотин-қизга 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредити ажратилди. Натижада олий таълим муассасаларида тахсил олаётган 1 миллион 479 минг 384 талабанинг 52,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2017 йилдаги 39 фоизга нисбатан сезиларли ошгани таълим имкониятлари хотин-қизларимиз ҳаётида акс этаётганини кўрсатади.

Шунингдек, магистратура босқичида тахсил олаётган 24 минг талабанинг 60 фоизи ёки 17 мингдан зиёди хотин-қизлардир. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 3,8 баробар

ортган. 2023 йилдан бошлаб эса коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги касб ҳамда мутахассисликлар бўйича хотин-қизлар тўлиқ грант асосида ўқишга қабул қилинадиган бўлди.

Янги иш ўринлари ва тадбиркор аёллар

Давлатимиз раҳбари 2024 йили халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, меҳнат бозорига талаб юқори касб-ҳунарларга ўқитиш барча масъуларнинг асосий вазифаси эканини белгилаб, бу йўналишда “фавқулодда ҳолат” эълон қилди.

2024 йилда 889 минг 567 хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашилди. Жумладан, 284 минг 41 хотин-қиз меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Биргина мана шу йўналишни 2017 йил билан солиштирганда ўша йили қамров бор-йўғи 4200 нафарни ташкил этганини ҳисобга олсак, қисқа муддатда бу жараён қанчалик жадаллашиб кетгани, унга эҳтиёж ва талаб ниҳоятда катта бўлганини англаш қийин эмас.

Шунингдек, 197 минг 789 хотин-қизга 3,3 триллион сўмлик кредит ажратилди. Натижада тадбиркор аёллар улуши 2017 йилдаги 21 фоиздан 45 фоизга кўтарилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, ўзини ўзи банд қилиш истагинидаги 43 минг 504 хотин-қизга 240 миллиард сўмлик субсидия берилди. Бундан ташқари, хотин-қизларни пиллачиликка кенг жалб қилиш учун 967 минг нафарнинг ипак курти парваришлашда бандлиги таъминланди. 2024 йилнинг ўзида 520 дан ортиқ маҳаллада хотин-қизлар бандлигини



таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази очилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида 5 та туман тажрибаси мамлакат бўйича оммалаштирилди. Жумладан, хонадонларда утқадан ортиқ даромад манбаини яратиш бўйича Сайхунбод тажрибаси, ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали аёллар бандлигини таъминлаш бўйича Жондор тажрибаси, аҳоли даромадини ошириш — хонадонда молиявий пакетларини жорий қилиш бўйича Нишон, Шофиркон тажрибаси, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган кооперациялар ташкил этиш бўйича Бағдод тажрибаси, каштачилик мактаби ва қўй юнгини қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича Шахрисабз тажрибаси кенг жорий этилди.

Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда “Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш” ягона автоматлаштирилган мониторинг ахборот платформаси ишга туширилди ҳамда тегишли тизимлар билан интеграция қилинди.

Тадбиркор хотин-қизлар ҳамда тадбиркорлик қилиш истагинидаги аёлларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида



иқтисодий идоралар билан бирга мамлакатнинг барча ҳудудларида “Аёллар бизнесини қўллаб-қувватлаш” учрашув-мулоқотлари ташкил этилмоқда.

Ишсиз хотин-қизлар хатлови натижаларига кўра, маҳалла, туман, шаҳар ва ҳудудларнинг 2025 йилда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган дастурлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича “омбор” китоби ишлаб чиқилди.

Бундай дастурлар хотин-қизларнинг ижтимоий ролини мустаҳкамлаб, уларни бизнес ва ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этишга хизмат қилади. Зеро, ҳар бир аёлнинг ҳаётидаги кичик қадамлар бутун бошли мамлакат тараққиётига элтувчи катта ислохотларга айланади.

“Масъулиятли ота-оналик” лойиҳаси

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш борасида “Оилалар мустаҳкамлиги учун барчамиз масъулимиз”, “Фаровон оила — келажақ пойдевори” тамойиллари асосида оилавий, миллий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича концептуал вазифалар белгилаб берилган.

Фарзанд кўриш ёшидаги аёллар учун “Табиий қўмак берилиши лозим бўлган хотин-қизлар билан ишлаш тартиби” жорий этилди. Унга кўра, 99 минг 976 хотин-қизга табиий маслаҳатлар (тарғибот тадбирлари) берилди ҳамда аксариятини соғлом турмуш тарзига қайтаришга эришилди.

“Соғлом оила — келажақ пойдевори”, “Эрта ва яқин қариндошлар никоҳига қарши бирга курашамиз” рисоалари, “Репродуктив саломатлик тамойиллари” мавзусидаги табиий ахборот материаллари ишлаб чиқилиб, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллигига етказилди. Репродуктив маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар билан ишлаш тартиби яратилди. 337 минг 654 хотин-қиз билан индивидуал ишланди. Натижада қарийб 224 мингга соғлом турмуш тарзига қайтди.

80 мингдан зиёд спорт мусобақаси ўтказилиб, унда 2,8 миллиондан ортиқ хотин-қиз иштирок этди. Хусусан, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳодимлари ҳамда оила аъзолари ўртадаги оилавий спортни ривожлантириш мақсадида 25 та жамоада 300 дан зиёд аёл ва фарзандлари иштирокида Гимнастрада фестивали ўтказилди. 298 мингдан ортиқ тарғибот тадбири ташкил этилди, 206 мингдан зиёд тарғибот материали берилди.

Аёлларни эҳтиёжмандликдан чиқариш — устувор вазифа

“Аёллар дафтари”га киритилган 1 миллион 237 хотин-қизнинг қарийб 995,5 минг нафарига ёрдам берилди. Уларнинг 549 мингга яқини янги иш ўринлари ва жамоат ишларига жойлаштирилди. 36 мингга яқинига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 362,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Боқувчисини йўқ ногиронлиги ва ногирон фарзандлари бор 404,5 минг аёлга 402,8 миллиард сўмлик бир маргалик моддий ёрдам берилди. Уй-жойга муҳтож, эҳтиёжманд 5891 хотин-қизнинг 432 нафари уй-жой билан таъминланди, 5459 нафарига ижара компенсацияси тўлаб берилди. 210,5 минг хотин-қиз ва уларнинг вояга етмаган 48,5 минг фарзанди табиий кўриқдан ўтказилди.

Шунингдек, 180 мингдан зиёд хотин-қизга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. 2682 нафарига деҳқончилик билан шуғулланиш учун жами 725 гектар ер ажратилди. Олий ўқув юртида тахсил олаётган 388 хотин-қиз ва “Аёллар дафтари”дагиларнинг 150 нафар фарзанди ўқиш учун контракт тўловининг бир қисми тўлаб берилди.

Бу каби кўрсаткич ва имкониятлар, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга самарали ёрдам беришга қаратилган. Улар турли қийинчиликларни енгиб ўтиб, янгидан ҳаётга қадам қўйиши учун давлат томонидан кўрсатилаётган гамхўрлик ўзига хос рағбат ва қўллаб-қувватловдир.

“Хавфсиз оила” тамомойили амалда

Янги Ўзбекистонда аёллар ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун халқаро стандартларга асосланган ҳуқуқий ва институционал база шакллантирилди.

Мамлакатимизда “Аёлни эъзозлаш — эзгулик ва адолат мезони” деган ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аёлларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, табиий ёрдам бериш тизими йўлга қўйилди.

Жамиятда хотин-қизларга нисбатан таъйиқ ва зўравонликка муроасиз муҳит яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. “Зўравонликка қарши 16 кун” кампанияси ва халқаро конвенциялар асосида Ўзбекистонда жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш учун комплекс ишлар бажарилмоқда.

“Аёлни эъзозлаш — эзгулик ва адолат мезони” деган ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аёлларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, табиий ёрдам бериш тизими йўлга қўйилди. Утган йилнинг ўзида таъйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш борасида 2 та қонун, Президентимизнинг 1 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори қабул қилинди.

2024 йилда “Хавфсиз оила” модули орқали 156 мингдан ортиқ оиладаги низолар ҳал этилди, 74 минг 278 оила яраштирилди, 13 минг 57 хотин-қизга ҳимоя ордери берилди. Январ ойида 42,5 мингта яқин оиладаги низолар таҳлил қилиниб, қарийб 11 минг оиланинг муаммоларини ҳал этиш чораси кўрилди. 579 нафарига ҳимоя ордери тақдим этилди. Бу амалий ишлар жамиятда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга ёрдам беради.

Оиланинг таълим-тарбиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва фаровонлик даражасини ошириш ҳамон жамиятимиздаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янгича ёндашув асосида олиб бориш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, психологик ёрдам бериш, мустаҳкам, тотув ва бахтли оила яратишга қўмаклашиш, оилавий низоларни ҳал этишда медиаторлик институтини ривожлантириш, тез даромад топадиган касб-ҳунар ўргатиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида жойларда “Оила ва хотин-қизлар масканлари” ташкил қилинмоқда. Жумладан, Жалаққуд, Бағдод, Уйчи, Оқдарё, Шайхонтоҳур, Вобекент, Олот, Қоровулбозор, Бухоро, Бандихон, Қумқўрғон, Амурдёр, Шуманай туманларида ҳамда Оҳангарон, Олмалик, Когон шаҳарларида “Оила ва хотин-қизлар масканлари” очилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Келгусида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилавий низоларнинг олдини олиш ҳамда хотин-қизларга ҳуқуқий-табiiй ва психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида барча туманларда “Оила ва хотин-қизлар масканлари” фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ҳар бир хотин-қизга эътибор ва ҳурмат кўрсатиш, фикр ва ғояларини амалга ошириш учун имкон бериш жамият тинч ва барқарор бўлишининг калитидир. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишидаги изчил ислохотлар оилалардаги маънавий, ахлоқий ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди, пировардида юртимиз тараққиётининг асосини ташкил этади.



УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШДА ЕНГИЛЛИК

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ УЧУН СУБСИДИЯ БЕРИШГА АРИЗАЛАР ҚАБУЛИ БОШЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

— Субсидия ипотека кредитлари асосида бирламчи бозордан квартира сотиб олиш учун бошлангич бадал ва кредит фоизининг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат томонидан бериладиган ва қайтарилмайдиган молиявий кўмақдир, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош мутахассиси Шоҳрухбек Ғаниев. — У ипотека кредитлари бўйича бошлангич бадал ва фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ажратилади. Жорий йилги тартибга кўра, субсидия фуқарога уй-жой сотиб олишда дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган 30 миллион сўм ва ипотека кредитининг биринчи беш йили давомида фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун Марказий банкнинг асосий ставкаси (13,5 фоиз)дан ошган қисмига тўланади. Тегishли маблаг давлат бюджетидан фуқаро номига банкда очилган ҳисобвараққа ўтказилади. Ўзбекистоннинг 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролари ипотека кредити учун субсидия олишга ариза топшириши мумкин. Талабгорлар электрон тизим орқали ижтимоий мезонлар асосида баҳоланади ва ижобий хабарномага эга бўлган тақдирда субсидия ажратилади.

Демак, субсидия ҳеч қандай шартларсиз ажратилмайдиган ва қайтарилмайдиган ёрдам пули бўлиб, шу жиҳатлари билан тижорат банклари томонидан муайян шартларда берилмайдиган кредитдан фарқ қилади. Бундай беминнат маблағни олишга талабгор кўп бўлиши табиий. Лимит эса чекланган, аммо ҳар йили ошириб борилади. Маълумотларга кўра, ўтган йили 20 минг фуқарога 2,2 триллион сўм субсидия ажратилган бўлса, жорий йил бу рақам 30 минг фуқарога 2,5 триллион сўм эъти белгиланди. Аммо ҳар гал аризалар сони лимитдан ошиб кетади, натижада барча мезонларга жавоб берган ва омади чопанларгина субсидияга эга бўлади. Шу кунларда эса кўпчиликни ипотека кредити учун субсидия кимларга ва қандай шартлар асосида берилиши қизиқтирмакда.



Кун мавзуси

ТАРТИБИ ВА ТАЛАБИ ҚАНДАЙ?

Жорий йилнинг 21 февраль куни Президентимизнинг “Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, бу йилги ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлашнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Бунда субсидия олишга талабгор ўз ҳудудидаги Давлат хизматлари марказларига бевосита борган ҳолда ёки “my.gov.uz” ягона интерактив портали орқали ариза топшириши мумкин. Аризада кўрсатилган маълумотлар асосида фуқаро “subsidiya.idm.uz” автоматлаштирилган электрон платформаси орқали Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан қабул қилинган низоми тартибига кўра, субсидия ажратилмайдиган фуқароларни баҳолашнинг ижтимоий мезонлари асосида реал вақт режимида баҳоланади.

Жараёнда ариза берувчи ёки унинг оиласининг даромади, ҳозирги турар жой мақоми, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим шахслар тоифасига кириши, ариза берувчи ва унинг оиласидаги шахсларнинг “Табий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтгани текширилади. Ҳар бир ижтимоий мезон бўйича фуқарога балл берилди ҳамда талабгор 30 ва ундан кўпроқ балл тўплагани лозим бўлади. Масалан, ариза берувчи ва оиласининг даромадлари 5 ёки 10 балл билан баҳоланса, “Табий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган шахсларга қўшимча 5 балл берилди.

Ҳозир субсидия бериладиган шахсларни танлаб олиш ва баҳолаш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган. “Subsidiya.idm.uz” дастурий таъминот тизими тегишли таши-



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Субсидия олишга талабгор ўз ҳудудидаги Давлат хизматлари марказларига бевосита борган ҳолда ёки “my.gov.uz” ягона интерактив портали орқали ариза топшириши мумкин. Аризада кўрсатилган маълумотлар асосида фуқаро “subsidiya.idm.uz” автоматлаштирилган электрон платформаси орқали Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан қабул қилинган низоми тартибига кўра, субсидия ажратилмайдиган фуқароларни баҳолашнинг ижтимоий мезонлари асосида реал вақт режимида баҳоланади.

лотларнинг электрон маълумотлар базалари билан интеграция қилинган. Мазкур маълумотлар базаларида ариза берувчининг маълумотлари 3 иш куни давомида текширилади. Хусусан, Адлия вазирлиги оила таркиби, ариза берувчининг турмуш ўртиги ва ёлғиз она, бева ёки акрашган аёллар тоифасига мансублиги ҳақидаги маълумотлар тўғри киритилгани, Кадастр агентлиги ариза берувчи ва унинг

турмуш ўртиги номида турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, Солиқ қўмитаси ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг ўртача ойлик даромадларини текширади ва ҳоказо. — Ариза берувчи ва унинг оиласи даромадлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори асосида яшаш ҳудудида қараб баҳоланади, — дейди Шоҳрухбек Ғаниев. — Янги тартибга кўра, субсидияга ариза берилганда,




ариза берувчи ва турмуш ўртигининг ўртача ойлик даромадлари миқдори белгиланган меъёрлардан кам бўлса, талабгорнинг хоҳиши билан даромадлар ҳисоб-китобида уларнинг яқин қариндошлари даромадлари ҳам киритилиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка кўра, яқин қариндошлар сирасига қариндош ёки қуд томондан қариндош бўлган шахслар, яъни эр-хотиннинг ота-онаси, туғилган ва ўғай ака-ука, опа-сингиллари, фарзанд ва фарзандликка олинганлар, бобо-буви, неваралар кирди. Баҳолаш жараёнида даромад даражасига қараб 5 ёки 10 балл берилди. Бунда аризачи ёки турмуш ўртиги (шу жумладан, қафил сифатида келтирилган яқин қариндошлари)нинг ўртача даромади миқдори белгиланган. Бу Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,7 бараваридан 8 бараваригача (ҳозир 3,11-9,24 миллион сўм), Тошкент шаҳрида эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,7-9,2 баравари (ҳозир 3,11-10,62 миллион сўм) бўлиши зарур. Ўртача ойлик даромадлар бўйича балл берилмаган тақдирда, субсидия ажратиш рад этилиши мумкин. Тартибга кўра, сўнгги уч ойнинг камида бир ойида даромадга эга бўлиш талаб этилади.

Ипотека кредити учун субсидия олиш кўпчилик ўйлагандек ўта мураккаб жараён эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, асосий муаммо белгиланган талабларга жавоб бермаслик ёки аризада маълумотларни нотўғри киритишда кўзга ташланади. Натижада фуқарога субсидия ажратилмайди. Масалан, ариза буруви, жумладан, турмуш ўртигининг номида республиканинг барча ҳудудлари миқёсида мулк ҳуқуқи билан турар жой мавжуд бўлмаслиги лозим, акс ҳолда, субсидия ажратиш рад этилади. Қолаверса, тақдим этилган маълумотлар нотўғри ёки сохта бўлганида, илгари ипотека кредитлари бўйича субсидиядан фойдаланган фуқаролар ва уларнинг турмуш ўртоқлари томонидан такрорий мурожаат бўлганида киритилган ариза рад этилиши мумкин. Аммо буларга боғлиқ бўлмаган бошқа омил ҳам бор. Яъни ариза барча талабларга жавоб берган тақдирда ҳам агар жорий йилда ҳудуд учун ажратилмайдиган субсидия сони тугаган бўлса, талабгор субсидия ажратилганлар қаторига кирмасдан қолади. Бунда аризани биринчи бўлиб топширганларга устуниқ берилади. Демак, талабгор аризани қанча эрта топширса, шунча яхши.

Субсидия ажратилиши тўғрисида ижобий хабарнома олган фуқароларга эса тегишли тартибда субсидия тўлаб берилади. Бунда фуқаро бирламчи бозордан квартира сотиб олиш тўғрисида қўрувчи билан шартнома тузди ҳамда тегишли ҳужжатлар асосида ипотека кредити олиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорлик меморандуми тузган тижорат банкига мурожаат қилади. Ипотека кредитини расмийлаштириш жараёнида ана шу тижорат банки субсидия маблағларини тўлаб беради. Бу тўлов фақат бирламчи бозор, яъни янги қурилган кўп қаватли уйлардан квартира сотиб олишга амал қилади.

Очиғини айтганда, уй-жой харид қилиш учун тўлаб бериладиган 30 миллион сўм кичик маблаг эмас. Яна бу давлат томонидан беминнат, ҳеч қандай шартларсиз берилиши ижтимоий қийналган оилалар учун катта ёрдам. Халқ тилига тушган субсидия амалиётининг моҳияти ҳам шунда. Ҳар йили ипотека кредитлари учун ажратилаётган субсидия лимитлари ошиб бораётгани янада қувонарли. Энди ҳамма гап ана шу маблағларнинг шаффоф ва тизимли ажратилишида. Аризаларни баҳолаш тизимининг тўлиқ электрон шаклга ўтказилгани шунга ҳизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Нуқтаи назар

Мақсуд РУСТАМОВ,
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Иброҳим ТОЙМУҲАМЕДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий шартларидан бири уларни молиявий ресурслар билан таъминлашдир. Шу боис, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги тизимлари жорий қилинмоқда. Хусусан, ўтган йили Бизнесни ривожлантириш банки ва Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ташкил этилиб, 35 мингдан ортиқ тадбиркорга ўртача 100 миллион сўмдан — жами 3,5 триллион сўм микрокредит ажратилди. Бундан ташқари, “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича тадбиркорликни энди бошлаётган 115 минг кишига 1 триллион сўм микроқарз тақдим этилди.



муваффақияти бошқа мамлакатларда микромолияш хизматлари ривожланишига туртки берди.

Бугунги кунда бу каби микромолияш дастурлари АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Канада, Швеция ва бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд. Айниқса, 2005 йилдан бошлаб Францияда кенг тарқалди. Мамлакатда унга аҳолининг мустақил тадбиркорлик фаолиятига молиявий ёрдам кўрсатилиб, ёлланма ишчиларни ўзини ўзи банд қилган аҳолига айлантиришнинг самарали усуллари билан бири сифатида қаралмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишсизлик даражаси пасайишига олиб келмоқда.

Францияда микромолияш дастурлари Ижтимоий бирлик жарамчиси томонидан амалга оширилади. У ўз бизнесини қўймоқчи бўлган ишсиз фуқаролар учун кредит кафолатларини тақдим этади. Шунингдек, кам даромадли аҳолига 500-2000 евро миқдорда ижтимоий микроқарз беради.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда микромолияш бозори, биринчи навбатда, қуйидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун самарали восита сифатида қўлланилади:

— ишсизлик даражасини пасайтириш;
— ижодий ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ноқулай тоифаларини молиявий қўллаб-қувватлаш;

— мигрантлар ва қўчиб келганларнинг жамиятга оғирқисиз интеграциясини таъминлаш.

Демак, микромолияш аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлашдан тортиб, тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантиришга бўлган ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг бутун бир жамланмасини ҳал этишга ҳисса қўшади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, микромолиявий хизматлар бозори бир ривожланиётган мамлакатларда ҳам, энг ривожланган мамлакатларда ҳам етарли даражада кенг тарқалган. Микромолияш дастурларидан фойдаланиш молия бозорига рақобатни оширади.

Ҳар бир мамлакатда микромолия банклари ва микромолиялаштириш тизимининг ривожланиши мазкур давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва миллий хусусиятлари билан белгиланади. Иқтисодиётни ривожланиш билан давлатларда микромолиялашга одамларни иш билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликка қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида қаралса, ривожланган давлатларда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали иқтисодий воситаси деяр билинади. Чунки у эндиликда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоян бўлмоқда. Шу билан бирга, микромолиявий хизматлар бозори ўз функцияларини амалга оширган ҳолда ва иқтисодий жиҳатдан рентабелли фаолият тури сифатида ижтимоий йўналишда бизнесдир.

Ўзбекистонда ривожланиши кутилаётган мазкур тадбиркорлик самарали фаолият юритишни учун барча деярли ҳаммаияти вакиллари — банклар, кичик ва ўрта бизнес, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат органларидан фаоллик, ташаббускор бўлиш ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш талаб қилинади.

МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР

Уларнинг ИҚТИСОДИЁТ, ЖАМИЯТ ВА ОДАМЛАР ТУРМУШИДАГИ ЎРНИ

Таҳлиллар тадбиркорликнинг, умуман, жамиятнинг асосий молиявий таъминотчиси тижорат банклари бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда юртимизда 36 та тижорат банки фаолият юритмоқда. Янги банк ташкил этиш осон эмас. Чунки Марказий банк талаблари бўйича жорий йилдан эътиборан янги ташкил этиладиган банкларнинг минимал устав капиталы 500 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги керак. Бундай миқдордаги капитални шакллантириш мушкул. Шу боис, тадбиркорларни молиявий маблаг билан таъминлашда тижорат банкларининг имконияти етарли бўлмаётти. Натижада микромолия бозоридан нобанк ташкилотлар аҳамияти ошиб бормоқда.

Айни пайтда республикамизда 193 та нобанк кредит ташкилоты мавжуд бўлса, уларнинг 100 таси микромолия ташкилоты, 92 таси ломбард ва биттаси ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотидир. Ўтган йил якунларига кўра, микромолия ташкилотлари томонидан берилган микромолиявий маблағлар, яъни кредит ва микрофинансирование 7 триллион 301,6 миллиард сўмга тенг бўлди. Ломбардлар орқали аҳолига берилган кредит миқдори 2024 йил 1 январда 279,5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил бошига келиб, уларнинг кредитлари портфели 415 миллиард сўмни ташкил қилди.

Тижорат банклари ва нобанк ташкилотлар бераётган молиявий маблағ миқдори ошса-да, тадбиркорлар ва аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўлиқ қондира олмаётти. Бундан ташқари, ушбу ташкилотлар орасидаги муносабатлар айро ҳолда, ўзаро боғлиқлик жуда кам. Шунинг учун тижорат банклари ва нобанк ташкилотлар ўртасидаги

муносабатларни яқинлаштириш, алоқадорликни мустаҳкамлаш, микромолиялаштириш борасидаги амалий ишларни кенгайтириш давр талабига айланмоқда.

Ўзбекистонда мазкур йўналишдаги ишлар бир неча ҳужжат асосида тартибга солинади. 2022 йилда қабул қилинган “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳамда Президентимизнинг 2023 йил 10 ноябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори шулар сирасига кирди.

Мазкур қонун ва қарор билан микромолия ташкилотлари ҳамда тижорат банклари ўртасида боғловчи бўлин яратили, шунингдек, микромолия фаолиятини ривожлантиришда микромолия ташкилотлари учун қўшимча молиявий ресурслар, жумладан, депозит жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида банк хизматларини рухсат этилган шартлар асосида кўрсатиш ваколатига эга бўлган юридик шахс — микромолия банки институты жорий қилинди. Микромолия ташкилотларини тижорат банкларига ёки тижорат банкларини микромолия ташкилотларига трансформация қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Хўш, микромолиялаштириш деганда нимаи тушунамиз? Улар биз учун қанчалик зарур?

Микромолиялаш умумий ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга микроқарзлар беришни англатади. Микромолиялашнинг банк кредитлашдан фарқи шуки, бериладиган маблаг миқдори кредитнинг минимал миқдоридан кам бўлади. Шунингдек, нобанк ташкилотлар кредит таваккалчилигининг катталиги ва шунга мос равишда фоиз ставкалари банк ставкаларидан сезиларли даражада юқорилиги билан ажралиб туради.

Микромолиялаштириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида ҳудудий жойлашуви, молиявий инфратузилманинг етарли даражада ривожланмагани ёки анъанавий банк хизматларидан фойдаланиш имконияти чекланган аҳоли қатламлари ва корхоналарга молиявий хизматлар кўрсатишда қўл келади. Гарчи қайтарилган қарзларнинг кўли бўлса-да, бу омиллар унинг омалашувига сабаб бўлади.

Таҳлилларга кўра, бутун дунёда 140 миллиондан ортиқ киши турли микромолиявий хизматлардан фойдаланади. Уларнинг умумий портфели эса 124 миллиард доллардан ошади.

Умуман олганда, жаҳон тажрибаси шундан дарак берадики, микромолиялаш дастлаб ўзини ўзи иш билан таъминлашга боғлиқ бўлган камбағал одамларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини очиб устули сифатида юзага чиққан. Бунда тўғридан тўғри давлат ёрдами молиявий мақсадлардан ташқари ижтимоий

мақсадларга ҳам эга бўлган ташкилотлар орқали молиявий хизматлар кўрсатишнинг бозор механизми билан алмашади. Асосий ғоя жуда оддий: микромолиялаш мижозларнинг бошлангич бизнесини капитал билан таъминлаш орқали ўзгартиради. Бу қарз олувчиларнинг даромадини ошириб, камбағалликни бартараф этади.

Микромолиялаш инновацияларни жорий этиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда гуруҳли кредитлаш ва мuddатли кредитлаш усулидан фойдаланилади.

Ўзбекистонда жаҳон тажрибасига асосланган микромолиявий фаолият кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситасига айланиши мумкин. Чунки юртимиз банклари микромолиялаштиришнинг ички манбаларига йўналтирилганлик талабларига мос келади. Бу эса ташки иқтисодий таҳдидлар шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қўмалашувчи восита сифатида уларнинг ролини оширади. Шу билан бирга, кредит таваккалчилиги билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш, ҳудудий номустаносибликларни йўқотиб, кредит ташкилотларини барча маҳалла ва ҳудудларда шакллантириш имкони мавжуд.

Бу борада халқаро миқёсда муваффақиятли йўлга қўйилган лойиҳалар бир қанча. Шулардан бири 1976 йилда Бангладешда профессор Муҳаммад Юнус ташаббуси

билан ишлаб чиқилган “Grameen” (Grameen Bank) лойиҳасидир. Аҳолининг кам таъминланган қатлами иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш усули сифатида бошланган микромолиялаш ғояси жуда оддий, яъни микромолиялар орқали даромад қилиш имкониятини бериш эди. Бунинг учун одамларга тадбиркорлик мақсадлари учун атиги 25 доллар миқдорда микроқарз ва ўз бизнесини юритиш бўйича маслаҳатлар берилиди. Яна бир жиҳати, биринчи кредитни ўз вақтида қайтарган мижозлар каттароқ миқдорда қарз олиш имкониятига эга бўладилар.

1983 йилга келиб, етарли тажриба тўпланди ва Grameen Bank аҳолининг кам таъминланган қатламларига, асосан, аёлларга молиявий хизмат кўрсатишга ихтисослашган мустақил банкка айлантириш истиқболлари маълум бўлди. Банк мижозлари сони дастлаб 100 кишига ҳам етмаган бўлса, XXI аср бошига келиб, 45 мингдан ортиқ қарз олувчини ташкил этди. Ҳозир Grameen Bank 1267 та филиали орқали 46 мингдан зиёд аҳоли пунктига хизмат кўрсатади. Қарз олувчилар сони 7 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг 98 фоизи аёллардир. Берилган кредитларнинг умумий миқдори 5,1 миллиард доллардан ошади.

Grameen Bankнинг кам таъминланганларни фаол ҳаётга жалб қилиш мақсадида молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг

**Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

МУҲОЖИРОТДАГИ ЖАДИДЛАР

ЁХУД ДУНЁГА СОЧИЛИБ КЕТГАН ТАҚДИРЛАР

Дилором КАРИМОВА (ИБРОҲИМОВА),
Ўзбекистон халқ артисти,
Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

“Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Эй ҳоконлар ўчоғи! Эй қарамонлар тўғойи! Сенга не бўлди? Нечук кунларга қолдинг? Ер юзининг бир неча полволлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечук чекиндилар? Нечук кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар?”.
Афсус-надоматга менгзаш бу хитобда улуг жадидимиз Абдурауф Фитратнинг Туркистон халқига қарата айтган ҳайқириги бор эди. XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари Туркистон ва унинг халқи учун шу қадар оғир ва муҳдиш давр бўлдики, охир-оқибат сиёсий эркинлик батамом бериб қўйилди.

Ўз вақтида бир ёқадан бош чиқармаган Қўқон, Хива, Бухоро хоиликлари ўртасидаги жинояткорона сусткашлик туфайли юз берган қонли фожиа — Чор Россияси босқини, халқ норозилигидан қўрқиб, уни тутқунликда ушлаб туриш учун истилочиларга қуллуқ қилиб турган сотқин ва очкўз бойлар зулми, эл жаҳолат чангалида бўлишдан манфаатдор мутаассиблар таъсири Туркистоннинг дунё ривожланиш занжиридан узилиб қолишига сабаб бўлди.

Темир сандиқларда бекитиб келинган хужжатларни варақлаб, даҳшатга тушасиз. Аждодларимиз, айниқса, миллат ойдиллари, жумладан, янгиланиш, ўсиш, тараққиёт йўлини танлаган жадидларимиз чекига ақл бовар қилмас ёвузликлар тушганига гувоҳ бўласиз.

Қатағон қурбонлари музейига борганимизда чет элга ўқиб келиш учун жўнатилган ва ватанига қайтгач, “чет эл жосуси” деб отиб ташланган ёшгина йигит-қизларнинг суратлари қаршисида узоқ туриб қолдик. Ёшлик, бахт уфуриб турган навқирон гўзал чехраларга қараб, увол кетган умрлар, саробга айланган орзу-умидлар ҳақида оғир ўйга тол-



дик. Ахир бу Туркистонни буюклик тахтига қайта кўтармоқчи бўлган жадидларимизнинг меҳнати ва ёруғ келажакка бўлган эзгу нияти эди-ку. Уларнинг бу ниятига қўшиб, жонлари ҳам ўлимга маҳкум этилди.

ИБРОҲИМ ҲОЖИНИНГ ЎҒИЛЛАРИ

Ўтган машъум кунлар ҳақида гапириб адоғига етолмайсиз. Лекин большевизм кундасидан қутулиб, хоризжда яшаб қолган ватандошларимиз, хусусан, жадидларимиз ҳақида нима билемиз, уларнинг тақдирини не кечди? Афсус, Туркистонни тарқ этган жадидларимиз ҳақида маълумотлар кам. Уларнинг четдаги ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ўз навбатини кутиб турибди. Бироқ биз шундай жадидлардан амакиларимиз бўлишимиз Аҳмаджон Иброҳим ўғли ва Абдумажид Иброҳим ўғли ҳақида бирмунча маълумот бермоқчимиз.

камбағал оилалар ўғил болаларининг “қўлини ҳалоллаш” каби юмушлар шулар жумласидан бўлган.

“Отамнинг тошкентлик бошқа бойлардан яна бир асосий фарқи — Шуўрлар ҳукмати ўрнатилгандан сўнра унга қаршилик қилишни беҳуда деб билган. Тошкент қосибларини тери, чарм, амрикон билан таъминлаб турган 2 та катта кўн заводини инон-ихтиёр билан совет ҳукуматига топширган. Шу келишувчилик туфайли авлодимиздан ҳеч ким олис ўлкаларга сургун қилинмади. Бир неча йил шу заводларга совет ҳукумати уни директор қилиб ҳам қўйган эди. У завод ишчиларига корхона ҳисобидан ички маҳал бепул нонушта ва тушлик берган, етим-есирларга эса ўз ҳисобидан ёрдам бериб туришни унутмаган”.

Пролетар инқилобини йўлбошчилари аввалдан барча бойларни золимга чиқариб, халқда уларга нисбатан нафрат туйғусини атайин шакллантириб келган эди. Тўғри, яқин ўтмишда баъзи асарларда кўрсатилган боши қовоқ, қорни мешдек раҳмсиз бойлар ҳам



бўлган, лекин Иброҳим ҳождик меҳнати, қобилияти ва ақли билан топган бойлигини муҳтожларга беминнат улашган маърифатли бойлар ҳам сероб эди. Ана шундай муҳида ўстан фарзандлар оқ билан қорани бир-бирдан фарқлай оладиган, илмга чанқоқ, миллат қайғуси билан яшаган инсонлар бўлиб етишган. Ҳақиқатан, Иброҳим ҳожи буваимизнинг авлодлари орасида бирорта нобони йўқ. Аксинча, ўзи танлаган касби-корига содиқ, меҳнатсевар, оилапарвар, мўмин инсонлар қаторида Ўзбек фани, адабиёти ва санъатига салмоқли ҳисса қўшган машҳурлар етарли бўлган. Буваимизнинг икки тўнғич ўғлидан Аҳмаджон ва Абдумажид авлоднинг бош бўғинидаги ана шундай шахслар эди.

1922 йили бу икки ўғлон олдинма-кетин ўқиб чун Олмония (Германия)га йўл олади. Жадидчилик ҳаракатида илгор йигитларнинг мақсади бошқа ғоядошлари каби чет элда илм олиб келиб, ватанидаги ўқитув ва тарбия тизимини ўз қўлларига олиш, Туркистонни дунёдаги овоз, ривожланган давлатлар сафида кўриш бўлган.

Аҳмаджон Иброҳим ўғлининг Германияда шахсий хужжатлари орасида сақланиб қолган таржима ҳоли билан танишиб чиқсангиз, 1900-1922 йиллар орасида Туркистонда, хусусан, Тошкентда жадидчилик ҳаракати ва унда амакиларимизнинг фаолияти тўғрисида ҳали кўпчиликка нотаниш маълумотга эга бўласиз.

“1905 йилда ўша замоннинг мунаввар кишилари томонидан Тошкентда “Жамияти ҳайрия” очилди. Ушбу жамият ёрдами билан Чор Россияси таъсиридagi рус мактабларига нафрат кўзи билан қаровчи халқнинг ва мунаввар туркистонликларнинг зехиятига мос тушадиган кишилар Туркияга ўқишга юборила бошланди. Бу ҳаракатни кўрган рус миллатчилари мазкур жамиятга ва илгор кишиларга оқибдан ошқ монелик қилдилар. Табиийки, 1917 йилда рўй берган октябрь инқилобидан кейин ўқиб ва ўқитиш ишлари уларнинг қўлига ўтган эди”.

Айниқса, Аҳмаджон амакимиз зехияти балоид, ижтимоий ўзгаришларни тўғри англови, ёлгон чақирқиларга берилмаган, қўрқмас, шижоатли, мард йигит эди. У тенглик, адолат уларларни панасида Шарқ турмуш тарзига ёт одат, гоудумлар ёш авлод шуурига кириб келиши, мустақиллик ғоялари хираланиши яхшиликка олиб бормаслигини ўз вақтида англаб қолганди.

“1918 йилдан бошлаб ўқишчи одамларга эҳтиёж мавжудлиги ҳақидаги фикрлар яна шижоат сурилади. Ва рус большевиклари таъсирдан узоқда бўлган ерларга, хусусан, Туркия ва Олмонияга талабалар жўнатиш масаласи Туркистон миллиётчилари тарафидан ўртага ташланди. Менинг изимда бўлган “Қўноқ” номидаги мактабда ўқиш-ўқитиш ишларини олиб боришлик билан ва турли шаҳарларга одам юбориш йўли орқали бутун Ғарбий Туркистонда тарғибот ишлари бошлаб юборилди. Натижада фақат шаҳардан эмас, қишлоқлардан ҳам ўқишни истасан ёшлар турлини унутмаган”.

1925 йилга келиб, бутун бир Туркистон ўлкаси нимталаниб, 5 та республикага бўлиб

юборилгач, қизил террор тезлик билан томир отди. Инқилобнинг дастлабки кунларида бойлар, ўзига тўқ деҳқонлар ё бу ўзгаришлардан норози бўлганлар большевиклар ғазабига учраган бўлса, энди ҳатто инқилобни ишониб ё қўрқиб қабул қилган миллат ойдилларини, миллат ақлларининг боши кўндага қўйила бошланди. Булар қаторида чет элга “Ватанним учун жоним фидо”, деб ўқшига кетган ёш йигит-қизлар ҳам бор эди. Уларни турли баҳоналар билан, масалан, таъминотдаги қийинчиликини рўқча қилиб, орқага қайтариб олиб кета бошладилар. Аҳмаджон больше-



викларнинг бу сиёсатиға қарши илгор фикрли талабаларни бирлаштириб, Олмонияда ўз таҳсилини давом эттиролмайдиган (советлар ўқиб учун лозим бўлган таъминот йўллари-ни тўсиб қўйишнинг улдасидан чиққан эди) талабаларни ҳеч бўлмаганда Туркияга юбориш йўллари қидиришга тушди. Лекин қизиллар томонидан тинимсиз оқиб келаётган ташвиқотдан эсанкираган кўпгина талабалар ватанга қайтиб кетишга аҳд қиладди. Гўёки ватанда тинчлик ҳукм сураётганимиз. Ҳар бир киши мамнун ҳаёт кечираётгани, у ерда ёрқин келажақ кутаётгани, яъни хоҳлаган ўқув юртига кириб, битиргунча таъминоти давлат ҳисобидан эканини айтиб, тузоқларга туширишга эришди. Ҳатто четта талабалар жўнатиш кампанияси ташкилотчиларидан бири Файзулла Хўжаевнинг “Жонингни сақла. Ҳали юрт учун кераксан. Бу ерга қайтма!” деган огоҳлантирув хати ҳам кўпларни ниятидан қайтаролмади. Ватан тафти, ота-она меҳри кучлилик қилди. Амакиларимиз эса бу ёлғонларга учмай, Олмонияда қолди ва ўқилиш давом эттирди.

Аҳмаджон Иброҳим ўғли Берлин университетига геология-кон муҳандислиги бўйича, Абдумажид Иброҳим ўғли кимё фани бўйича тахсил олиб, профессорлик илмий даражасига эга бўлади. Бироқ Германия тахтига Гитлер ўтиргач, фашизмнинг большевизм каби ёвузона табиятини пайқаб қолган ака-укалар 1934 йили мамлакатда бошланган тўс-тўполонлардан нари Туркияга кетди. 1935 йили Туркияда ҳар бир кишидан ўзига фамилия олиш та-

Қатағон қурбонлари музейига борганимизда чет элга ўқиб келиш учун жўнатилган ва ватанига қайтгач, “чет эл жосуси” деб отиб ташланган ёшгина йигит-қизларнинг суратлари қаршисида узоқ туриб қолдик. Ёшлик, бахт уфуриб турган навқирон гўзал чехраларга қараб, увол кетган умрлар, саробга айланган орзу-умидлар ҳақида оғир ўйга толдик. Ахир бу Туркистонни буюклик тахтига қайта кўтармоқчи бўлган жадидларимизнинг меҳнати ва ёруғ келажакка бўлган эзгу нияти эди-ку. Уларнинг бу ниятига қўшиб, жонлари ҳам ўлимга маҳкум этилди.

лаб қилувчи қонун қабул қилинган, улар ўқой (ўқ ва ой) фамилиясини танлайди. Шундан эътиборан Аҳмад Иброҳим ўқой ва Мажид Иброҳим ўқой деб номлана бошлайди. Шу ерда Аҳмад ўқой Истанбул университетиде фалсафадан дарс олаётган Невен Ирдём исмли, Абдумажид ўқой эса Самима исмли турк қизларига уйланади. Аҳмаджон ва Невен оиласида бир-биридан кўркам уч ўғлон дунёга келади. Абдумажид ва Самима эса Гулшан исмли қизаларни волага етказди.

Иброҳим ҳожи ўғиллари ватандан, ёру биродарлардан ажралиш азобини ўқиб, илмий тадқиқотлар устида тинмай меҳнат қилиш билан енгиллаштиришга уринарди. Аҳмаджон ўқой илмий изланишлар қаторида Берлин университетиде иқтисод, фалсафа бўйича ҳам сабоқ олган эди. Ўтмишимизни яхши билган ҳолда тарихий, ижтимоий соҳаларга оид бир қанча асарларни немис ва турк тилларида ёзишга муваффақ бўлади.

“Бутун дунё большевиклар бўҳтони билан тўлириб бориётганидан кўп мутаассир бўлардим. Бунга қарши кураш олиб бориш керак деб билардим. Шунинг учун Туркистоннинг истиқлол ҳаракати тарихига оид асар яратиш хусусида бир немис оғайним билан биргаликда ҳаракатга тушдим. Ушбу асар Анвар Пошшо тахаллуси билан босилиб чиқди. Асар Туркистонда, Ўзбекистонда ва бошқа ерларда большевикларнинг ўтказган зулмлари, уларнинг иккиозамачилиги ҳақида ҳикоя қиладди”.

Бундан ташқари, 1938 йили Лейпцигда чоп этилган, Амир Темур ҳаётига оид асар яратилади. Афғонистондан қочиб чиққан туркистонликлардан тўпланган материаллар асосида “Хўқўқислар” деб номланган мажмуа ҳам ёзилади. Бироқ у босилиб қолди. Агар ушбу асарлар ихтиёримизда бўлганида эди, жадидларимизнинг муҳожирликдаги ҳаёт ва ижодлари, қувилган ё қочган ватандошларимизнинг оғир қисматлари тўғрисида қимматли маълумотларга эга бўлардик.

“ТУРКИСТОН ҚАЧОН МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТГА АЙЛАНАДИ?”

1939 йилгача чет элдан жигарлардан Иброҳим ҳожи оиласининг тўнғич фарзанди Исmoil амакимизга хатлар келиб турган. Лекин 1939 йили Исmoil амакимиз НКВДга чақирилиб, сиқувга олинади. Шундан сўнг у “Илтимоос, бундан буёғига бизларни тинч қўйинглар”, деб укаларига хат юборди. Диний мадрасаларда сабоқ олган, Кўкчадаги Вилоят қадристонига туташ масжидда имом-хатиблик вазифасини адо этиб келаётган қори

амакимиз шундай қилишга мажбур эди. Ота вафотидан сўнг катта оиланинг тинчлиги ва тирикчилиги тўнғич фарзанд ўрнида унинг зиммасига тушганди.

Ахир ГПУ, НКВД нималигини жуда яхши биларди. Абдумажиднинг Тошкентда оиласи, волага етмаган гўдаги бор. Уларнинг тақдирини нима бўлади? Ватан сотқинининг ўғли, хоиннинг жиғини, деган тавқи лаънат билан Совет Иттифоқи деб аталган улкан қамоқхонада эркин яшаб бўладими? Ака ука учун, ўғил ота учун жавоб берадиган тузумда бу каби алоқалар олов билан ўйнашишдек гап эди. Ота-си ким бўлганини яширмаган Иброҳим ҳожи бойнинг энг кенжа ўғилларидан (отадан 3 ёшлигиде етим қолган) 1922 йилда туғилган Абдумалик Иброҳимов умрининг сўнгига, яъни 1974 йилга қадар “бойнинг ўғли!” деган айблов билан таъқиб ва сиқувда яшаган ҳамда охири заҳарлаб ўлдирилган.

1967 йили эътиборга молик яна бир воқеа бўлиб ўтади. СССР раҳбарларидан бири А.Косигин Туркияга сафар чоғида Истанбулда Туркистондан келиб қолган муҳожирлар билан учрашади. Шулардан бири Косигин юзига тик қараб, дангал савол беради: “Туркистон СССР ҳукмронлигидан қачон қутулади? Қачон мустақил, эркин мамлакатга айланади?”.

Алам ва қаҳр тўла савол билан Косигинни доводиратиб қўйган киши Истанбул университетининг геология фани бўйича профессори Аҳмаджон Иброҳим ўқой эди. Шундан сўнг текшир-текшир бошланади. Унинг қариндошлари Тошкентда экани тезда аниқланади. Ота-си Германиядалигиде туғилган, ҳозирги кунда тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдували Мажидовнинг тинчлиги йўқолади. Ҳар хил ташкилотларга чақирилиб, савол-жавобларга тортилади. Ахйир, “Мен уларни кўрмаганман, танимаман ҳам. Алоқаларимиз аллақачон узилиб кетган”, деган кўрсатмалар бериб қутулиб қолади.

Ниҳоят Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қариндошлар бир-бири билан боғланади. Фақат дийдорлашув насиб қилмайди. Тамбаланган дарвозалар очилгунга қадар Аҳмаджон Иброҳим ўқой ва Абдумажид Иброҳим ўқой бу дунёни тарқ этади.

Абдумажид Иброҳим ўқойнинг фарзанди машҳур врач, профессор, Тошкент педиаатрия тиббиёт институти ташкилотчиларидан ва узоқ йиллар ректори бўлган Абдували Мажидовнинг хонадонда ота ва амаки хотираси ёд этилди. Давранинг тўридан Иброҳим ҳо-жининг машҳур набиралари — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, ёзувчи, маънаф арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдуқаҳор Иброҳимов, вакил қувёларидан математика фанлари доктори, академик, Ўзбекистон Қаҳрамони Шавкат Аюпов жой олган эди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрнинг 20-йилларида Германияда ўқиган ва ўлим хавфидан қочиб, муҳожирликда қолишга мажбур бўлган ватандошларимиз дунё илм-фани равнақига муносиб ҳисса қўшган. Шулар қаторида кимё фанида салмоқли кашфларни қилган Абдумажид Иброҳим ўқойни Туркиянинг улуг олимлари сафига қўйишари. Аҳмаджон Иброҳим ўқой эса алоҳида ҳурмат-эътиборга эга. Маъданшунослик фанида кўмир геологиясини яратган олим ҳамда туркология, сиёсат соҳасида асарлар битган, умрининг охиригача она юртини овоз кўриш орзусида яшаган ватандошларимиз Истанбулдаги мотам маросимида бир қанча кишилар сўзга чиқиб, Аҳмаджон Иброҳим ўқой сиймосида Туркия фани оғир йўқотишга учраганини таъкидлаганди.

Уларнинг фарзандлари ҳам оталари йўлини танлаб, илм-фани ривожига ҳисса қўшиб келмоқда. Аҳмаджон ўқойнинг ўрол, Тўғрул ва Ўғуз ўғиллари Лондон, Кембриж университетларида ўқиб, бири маъданшунослик, бири юрак касалликлари бўйича, яна бири кимё соҳасида илмий даражаларга эришган профессорлардир. Абдумажид ўқойнинг Гулшанбону исмли қизи эса санъатшунос оlima, профессор.

Қатағон қилинган, бадарга бўлган жадидларимиз, ойдилларимиз ўлдирилмай ё қувилмай Туркистонда яшаб қолганида юртимиз ўша даврлардаёқ гуллаб-яшнаган бўлармиди...